

Хар кандай халк хакидаги энг тўқис ва энг холис тасаввур шу халкнинг ноёб истеъдод соҳиблари, аввало, ёзувчи-шоирлари асарларида, санъаткорлари ижодида ўз ифодасини топади. Шу боис биз Козогистон деган бепоён ва бетакор үлка, козок деган багри кенг, танти халк хакида гапирганда даставвал Абай сингари ушбу миллатнинг таникли маънавият намояндаларини эсга оламиз. Анча кейинрок шаклланган зиёлилар авлодидан эса, аввалло, албатта Мухтор Авезовни эслаймиз. Козок халкига хос бўлган маънавий кудрат ва бекиёс истеъдодни айнан мана шу зиёли ва юксак маърифатли инсон ўзида мужассам этган эди.

Ижодкорнинг козок халки тарихидаги ўрни ва ахамиятига бу кадар юксак баҳо бераётганимиз бежиз эмас. Чунки козок миллий насрини айнан мана шу инсон юкори погонага кўтарган ва дастлабки йирик роман-эпопеяни яратган. Шунингдек у кўплаб ёркин ва бадиий мукаммал хикоя ва пьесалари, рус ва Оврупа мумтоз адабиётидан килган таржималари билан козок адабиётини дунёга танитди. Колаверса, у бекиёс тафаккурга эга бўлган олим ва тадқикотчи хам эди. Мухтор Авезовнинг ижодкор сифатидаги ўзига хослиги уй-хаёлларининг кенглиги, истеъдодининг гоятда серкирралиги ва илохий кобилиятида намоён бўлар эди. Лекин дунё адабиётида юлдуздек чакнаб, шон-шуҳрат козонган бўлса-да, Мухтор Авезов халки билан доим хамнафас яшади, оғир синов дамларини хам у билан бирга ўтказди, шу боис хаёти бир текис ва силлик кечмади.

Мухтор Умарович Авезов 1897 йил 28 сентябрда Семипалатинск (Етти утов) уездининг Чингиз волостида кўчманчи оиласида туғилди. Мухторнинг бобоси - Аваз бобо козок халкининг буюк шоири Абайнинг содик дўсти, уининг шеърлари мухлиси эди.

Мухторнинг болалик йиллари кадрдон овулида ўтди, у шу ерда ўкиш-ёзишни ўрганди. Ёши ўн бирга етганда, отасидан жудо бўлади, уни тогаси Косимбек ўз тарбиясига олади. У 1919 йилда Семипалатинскдаги ўқитувчилар семинариясини тамомлайди. Айнан мана шу ўкув даргохида у ўзининг шонли ва мураккаб ижод фаолиятини бошлайди. У дастлаб драма асарлари ёзишни машқ килади. 1917 йилда бўлгуси ёзувчи «Енлик ва Кебек» номли фожиасини ёзади. Бу козок адабиётидаги дастлабки драма асари эди. Бу асар ушандан бўён (такомиллашибирилган куринишда) энг яхши козок театрлари сахнасидан тушмай келади. Уни машхур «Ромео ва Жулетта» пьесасининг козокча шакли деса хам бўлади. Унинг воеавий мазмуни, яъни сюжети жуда оддий: ўзаро душман бўлган икки урукка мансуб бўлган ёшлар бир-бирига кўнгил бериб, кариндош-уругларнинг каршилигига карамай, турмуш курмокчи бўладилар ва охир-окибатда кабила суди хукми билан иккалasi хам катл этилади. Хуллас, инсоннинг табиий хак-хукуки, теран ва кайнок хис-туйгулари кабилавий феодал тузумига хос асрий «анъана ва меъёр»ларни енголмайди. Бирок рисоладагидек инсоний турмуш, эхтирос ва меҳр-мухаббатга, эзгулик ва муруватга тўлиқ хаёт учун кураш мавзуси Мухтор Авезовнинг бошка кўпгина асарларида давом этади. 1922 йилда у Ўрта Осиё Давлат университетига эркин тингловчи бўлиб ўкишга киради ва «Чулпон» журналида хамкорлик асосида ишлай бошлайди, унинг бир талай хикоялари айнан мана шу журналда чоп этилади. Аммо унинг биринчи хикояси - «Етимнинг хаки» бундан олдинрок пайдо бўлган эди. Мана ўша асардан олинган муъжаз бир парча: «Январь охирлаб борарди. Аёзли кун истар-истамас уфкка бош кўймокда эди. Осмон мусаффо эди. Факат уфк багрида, худди темирчининг сопконидек булуутларнинг жезсимон булаклари чуг бўлиб яллигланиб ётарди. Уларнинг

ортидан офтобнинг киприксиз, ўртаси дорли кўркинчли конли нигоҳи кўзга ташланиб турарди. Сал тепарокда, тутун ўрамлари каби, куйруги кирмизи булатчалар осилиб ётарди. Унинг тепасидаги осмон бўзариб-кўкариб кўзга ташланар эди. Бир чеккада тескари агдарилган кулчадек ой якка-ёлгиз осилиб турарди. У алланечук хадиксирагандек гуё тўр парда ортидан караётгандек эди.

Кун буйи килт этган шамол тургани йук, лекин Кушкпоя давонида ел гужгон уйнаб ётар эди. Эндиғина ёккан кор кирмизи-настарин рангдаги шаклларга кириб, хар тарафга сочилар эди. Соялар худди буртиб чиккан томирлар каби кузга ташланар ва гуё судрала-судрала корли тепаликларнинг кирмизи рангини суриб олаётгандек эди». Бу — ёзувчининг дастлабки хикояси эди. Бу асарда буюк суз устасига хос унсурлар шунчаки кузга чалиниб колмайди. Бу хикоя козок адабиётида катта истеъдод сохиби пайдо булганидан далолат берарди.

Лекин ёш Мухтор Авезов уша пайтдаёк хали жуда куп укиб-урганиши зарурлигини дил-дилидан хис этиб турар эди. Бу даврда булгуси ёзувчи билимга ута ташна, уз максадига эришиш борасида событ эди. У 1928 йилда Ленинград Давлат университетининг филология булимини муваффакиятли битириб, Тошкентдаги Урта Осиё университети шаркшунослик факультети кошидаги аспирантурага укишга киради. Бу пайтда Козок театрлари сахналарида унинг асарлари тинимсиз намойиш этилар, хикоя ва киссалари китоб холида нашр килинар эди. Айникса, унинг анчагина реалистик ва мардона ёзилган хикоялари машхур булиб кетган, уларда муаллиф бадиий буёклардан мохирона фойдаланиб, қаҳрамонлар рухияти ва феъл-атворини чукур хамда хар томонлама ёритиб берган эди. Мана, уша кезлардаги энг машхур хикояларидан бири — «Мотамдаги гузал» асарининг вокеий мазмуни куйидагича. Ёш ва чиройли келинчак бева колади. У шариат коидаларига амал килиб, эрига содик колади. Окинлар, яъни козок шоирлари унинг садокатига тахсинлар айтади. Лекин навкирон вужудида ёшлиқ эҳтирослари жуш уради. Шу боис у изтироблар, чигал уй-хаёллар гирдобида азоб чекади ва толикади, охири токати ток булиб, дуч келган биринчи одамга узини баҳш этади. У бой ва сохибжамол келинчак булатуриб, уни хатто хаёлига хам келтирмаган кекса бир чупон огушидан паноҳ тилайди. «Мотамдаги гузал» хикоясини мутолаа килар экансиз, беихтиёр таникли рус адиби Иван Буниннинг «Коронги хиёбонлар» деб номланган машхур туркумига киравчи хикояларни ёдга оласиз. Мана, узингиз бир мукояса килиб курнинг-а: «Ойдин кечанинг тузи учди, сув ва майсаларнинг шуъласи сунди, олис-олислардаги тог чуккиларининг туманли манзараплари куздан йуколди. Аммо Коракуз сахросининг томирларида аланга шарпалар завку шавкка тулиб ракс тушар эди. Эҳтиросларнинг хира пардаси оркали у Булатнинг саргиш юзи ва унинг оппок булиб яркираб турган курак тишларинигина кура олди, холос».

Агар ёзувчи узининг илк асарларида ҳалк рухиятининг узига хос жихатларини акс эттирган холда реал манзарапларни тасвирлашга кодир адиб сифатидаги бекиёс истеъдодинн намоён кила олган, унинг асарла-рида табиат жонланиб, вокеалар ривожида унинг инсонга нисбатан фаоллиги мухим урин тутган булса, Мухтор Авезов кейинги асарлари воситасида узини ёзувчи-рухшунос, ёзувчи-тахлилчи сифатида намоён этди. Унинг ижоди кучи айнан ана шундадир.

Мухтор Авезовнинг энг машхур, эҳтимол китобхонлар севиб укийдиган хикояларидан бири «Чиябури» асаридир. Менинг назаримда, бу — эрксевар, ёввойи ва кучли йирткич хакида дунё адабиётида яратилган энг яхши асарлардан.

Ушбу хикоя Жек Лондоннинг «Ок йирткич» асаридан таъсирланиб яратилган. Мухтор

Аvezov бу асарни укиб, жуда завкланган. Умуман, ута таъсирчан булган козок адабига тан бериш керак. У хар хил йуналиш ва авлодга мансуб ёзувчиларни севган ва уларнинг асарларини укиб, завкланган, адабиётда уз урнига эга булиб, дунёвий довруг козонган пайтида хам улардан куп нарса урганган.

«Чиябури» хикояси бир карашда хам болалар, хам катталар учун ёзилганга ухшайди. Нимасини айтасиз, унинг вокеалар йуналиши хам оддий, шу билан бирга, хикоя теран мазмун билан сугорилган. Менимча, «Чия-бури» хикояси — рамзий хикоя. Биринчидан, туркий халклар учун бури тимсоли узига хос тотем — эътиқод тимсоли булган. Кадимий турк афсонасига кура, айнан бури барча туркий халкларнинг аждоди хисобланган. Эҳтимол шунинг учундир муаллиф узига хос маҳорати билан ушбу тимсолни яратадики, уни укиб, завкланмаслик мумкин эмас. «Качон караманг, у силласи куриб, жим турар эди», «... тиззаси худди бузокдек келадиган, елкаси нак буканикдек йирик» каби тасвиirlар хикоянинг жонли ва таъсирчанигидан далолат беради.

Яна бир мохир санъаткор, узини Мухтор Аvezовнинг шогирди деб биладиган Чингиз Айтматов «Кунда» романида Тошчайнар ва Акбара тимсолларини зур меҳр-мухаббат билан тасвиirlайди. Лекин бошка томондан, айнан бури — Куксерек — узини боккан ва бошпана берганларга баҳтсизлик келтиради.

Бошқачарок айтганда, одамларнинг узи, уз овулида уя фожиаларига замин яратади ва уни бартараф этиш чорасини тополмайди. Факат купдан-куп саъй-харакатлар натижасида, бор имкониятлар ишга солингач, Куксерек кулга олинади. Хикоя нихоясида бир кампир Куксерекка карата: «Сенда узи виҷдон деган нарса борми, Конхур?» деб бакиради. Ахлокий мезонлар, афсуски, жамият багрида уз кучини йукотади, айнан ана шу ахлокий майлини ва ташналикни кондириш йулида уз кучини йукотади. Качонлардир шундай булган эди, таассуфки, то хануз шундайлигича колиб келмокда...

Мухтор Аvezов Тошкентдаги таълим даврини тугатгач, уста ёзувчига ва гоятда сермаҳсул ижодкорга айланади. Колаверса, унинг аксарият асарлари нафакат козок адабиётининг, балки дунё адабиётининг олтин хазинасидан жой олган.

Мухтор Аvezов козок адабиётида мутлако янги жанр хисобланган очеркчилик ривожига хам салмокли хисса кушиб куплаб очерклар яратди. Ёзувчи бу муҳтасар-публицистик маколаларни чинакам бадиий асарга айлантириб ёзар, уларни очеркчиликнинг янги шакли — очерк-хикоя десак-да хато булмас. Ёзувчининг ажойиб илмий-тадқиқот маколаларининг узи алоҳида жилдни ташкил этади. Уларни укиб, муаллиф билимларининг теранлигидан хайратга тушасиз. Бу хол, аввало, козок халқ оғзаки ижоди асарлари тадқикига багишланган асарлар мисолида намоён булади.

Лекин Мухтор Аvezовнинг дунё микёсида шуҳрат топишида «Абай йули» роман-эпопеяси мухим урин тутди. Сирасини айтганда, адабнинг илгари яратилган барча асарлари буюк оқин-адиб Абай Кунонбой хакидаги мана шу романни ёзиш учун тайёргарлик даври булган. Бу роман ёзувчи хаётининг мазмунига айланиб колган эди. Роман-эпопея икки китобдан ташкил топган.

Уларнинг хар бири яна иккита китобга булинади. Эпопеянинг биринчи китоби 1942 йилда, туртинчиси эса 1956 йилда нашр этилади. Умуман, Мухтор Аве-зов козок халки хаёти хакида гоятда улкан романлар силсиласини яратишни кунглига туккан эди. «Абай» романни ана шу силсиладаги дастлабки роман эди. Бу уринда шуни таъкидлаш жоизки, шунга ухшаш ижодий режалар ва уларни амалга ошириш тажрибаси дунё адабиёти амалиётида хам куп булган. Бундай сирадаги романларнинг хар бири узича мустакил, аммо шу билан бирга, уларда даврнинг, халқ тарихининг улкан манзаралари яратилади.

Масалан, Эмиль Золя, Дмитрий Мережковский асарлари бунга мисол була олади. Мухтор Аvezovning ижодий кашфиёти шундан иборат эди, у Марказий Осиё адабиётида биринчилардан булиб бутун бир халкнинг ярим асрлик хаёт йулини кенг ва хар томонлама тадқик этди, укувчини хайратга соладиган бадиият кучи ва теранлик билан козоклар жамиятининг XX аср арафасидаги патриархал-ахлокий масалаларини ёритди.

«Абай йули» эпопеяси — козок адабиётининг чуккисидир. Таникли козок олими К.Сатпаев ушбу асар хакида фикр юрита туриб, уни «Козок халкининг XIX аср иккинчи ярмидаги хаёти ва турмушининг хакикий комуси» деб таърифлаган эди. Дарҳакиат, бу асар мавзуси, вокеликни теран ёритиш ва бадииятига кура мислсиз ходисадир.

«Абай йули» эпопеяси таркибан мутаносиб ва уйгун асардир. Агар романнинг барча китоблари яхлит холда козок жамиятининг ярим асрлик хаётини кайтадан жонлантириб берса, унинг хар бир китоби эса воқеалар ривожи ва бадиий курилиш жихатдан яхлитлик касб этиб, Абайнинг руҳий-маънавий камол топишидаги муайян боскични акс эттиради.

Эпопеяниң яхлитлиги факат гоявий максаднинг умумийлиги воситасида вужудга келади. Мухтор Аvezovning узи бу хакда шундай деган эди: «Шу тарика турт китобнинг хаммасида шоир ва мутафаккир — Абай сиймосида мужассамлашган янгилик ва биркуз, бадковок Кунонбой тимсолида акс этган эскилиқ уртасидаги кураш асосий гоядир.

Эскилиқ рамзи булган Кунонбой кейинча гүё купдан-кун майда-майда

«куонбойчалар»га айланиб кетади. Уларнинг энг ёркин намунасан булган (бир куз тарзда тасвирланиши хам бежиз эмас) Урозбой туртинчи китобда Абайга карши каратилган фитналарга бошчилик килади».

Муаллиф роман-эпопеяни яратиш учун куп вакт тайёрланди, чунки Абайни халк жон-дилдан севгани ва бошига кутарганига карамай, у вактда деярли хеч канака далилий ашё, хужжат колмаган. Тугри, Мухтор Аvezов йигитлик даврида буюк козок шоирнинг айрим замондошлари билан, жумладан, уз китобнинг булгуси каҳрамонлари Дилда ва Айгерим билан учрашган. Орадан йиллар утиб, ёзувчи бу хакда шундай ёзган эди: «Карияларнинг гира-шира эслаб айтган хотиралари Абайнинг ёшлигини тасаввур этишда менга жуда кул келди, олтмиш ёшли Айгеримнинг чехрасига бокиб, качонлардир шоир аклини шоирларни унинг гулдек ёшлигидаги хусну чиройини тасвирлашга харакат килдим». Бирок Мухтор Аvezовга, шубҳасизки, Абайнинг шеърияти асосий манба булиб хизмат килди.

Мухтор Аvezovning Абайнинг «Бургут тутган чавандоз эрта ёккан кор куйнида учеб боради» деб бошланувчи шеъри асосида яратган хикояси машхур. Ёзувчининг узи бу хикоя хакидаги эсдаликларини шундай ифода этган: «Мен бургут билан бирга овга чиккан Абайни тасвирлар эканман, бу шеърининг тугилишига таъсир этиш эхтимоли булган холатларни жонлантиришга харакат килдим. Ов пайтида, улжа томон куйиб юборилган бургут тулкининг устига ташланган чогида беихтиёр оппок момик кор ва унинг устида тим кора бургут билан олишаётган кизил тулкичага кузи тушиб, хаёлида чумилаётган киз тимсоли жонланади, кейин у бу тимсолни уз шеърида акс эттиради. Бу манзара тулигича хакикий лирик танаффус, Абайни биринчи маҳбубаси — Туржон яшайдиган огулга бошлаб келган бурон манзарасини тасвирлаш олдидан кулланган руҳий маром усули эди. Бу бурон шоирнинг узи бошдан кечирган руҳий долгалар учун бир сабаб, бир рамз эди. Мен бу учрашувнинг мураккаб руҳий сахнасини имкон кадар анча аник тасвирламокчи эдим. Бурон манзарасини анча куюк буёкларда ифода этдим.

Овчилар бир неча кеча-кундуз мобайнида чулу сахро багрида улокиб юради, халокат домида колади. Нихоят, холдан тойган йуловчилар номаълум овула гелиб колади, чироклар шуъласи чанг-тузон ортидан уларни узига чорлайди. Бехосдан кургонга кадам куяр экан, рухан бундан учрашувни хаёлига хам келтирмаган Абай бемадор ва бехол эди, у каттик иситмалай бошлайди.

Бутун вужуди ут-олов булиб, алана огушида тулганиб ётар экан, алахсираб, хеч нарсанинг фаркига бормас, гуё куни битгандек туюлар эди. Уни факат Тугжон дарддан халос этиши мумкин. Тугжон бирор нарса хиргойи килиб беришни сурайди, у уз мухаббат кушигини эсламокчи булади, лекин мадори етмайди. Бу учрашув сабаб Абай бутун борлиги билан Тугжонга болганиб колганини хис этади ва янгидан кашф этилган севги унинг учун ута ишкий, ута эҳтиросли кушикларнинг битмас-туганмас манбаига айланади». Эпопеянинг асосий мавзуси — козок халкининг урта асрлардан буён давом этиб келаётган зулматдан тараккиёт, миллатнинг гуллаб-яшнаши сари бориш йулидир.

Фалсафа, гузаллик ва жозиба, халкнинг ранг-баранг хаёти ва турмуш тарзи, анъана ва одатлар, шеърий истеъодод ва меҳмондустлик яхшилик ва адолат - хуллас, халкнинг ярим асрлик тарихи роман сахифаларида бутун гузаллиги, табиий тарихий ривожланиши ва мураккаб ижтимоий чигалликлари билан акс этади.

Козок халкининг миллий характеристига хос хусусиятларни уз сиймосида мужассамлаштирган, халк хаётига алокадор асосий воеа-ходисалар унинг атрофида кечадиган реал тарихий шахсни бош каҳрамон килиб танлаб олар экан, Мухтор Аvezов шу тарика козок халки танлаган йул тарихий тараккиётнинг бурилиш нуктасида накадар оғир ва мураккаб кечганини курсатиб беради.

Абай сиймоси — козок адабиётидаги энг мураккаб тымсоллардан бири. Буюк шоир давр билан, халк би-лан, жамиятнинг барча асосий катламлари билан куп томонлама алокада тасвириланган. У уз давридаги муаммоларнинг энг кучли гирдобида колиб кетади. Биз санъаткор уз каҳрамонини бутун роман-эпопея давомида кандай мохирлик билан тасвирилаётганини кузатиб борамиз: Кунгли нозик таъсирчан усмир, ошиклик дардига чалинган йигит, оила бошлиги — ота, ёшларнинг илхомчиси булган устоз-муаллим, халкнинг дусти ва курашчиси шоир. Роман марказида ижодкор шахс тасвириланишининг узи теран маънога эга.

Абай узига кадрдон булган сахрода теран томирлар билан багланиб колган. Ёшлигидаги ортирган хамфикри, чинакам, содик дусти Ербол бир умр унга хамнафас булади.

Шоирга бенихоя вафодор булган бу инсон гуё Абайнинг иккинчи «мен»и сифатида намоён була-ди. Ёзувчи Ербол тимсоли воситасида бамисоли халкнинг буюк шоир хакидаги гам-ташвишларини курсатгандек булади.

Шоирнинг иккинчи олами муаллифнинг доимий диккат-эътиборида. Ёзувчи энг нозик кечинмаларни хам, каҳрамон руҳиятидаги арзимас узгаришларни хам куздан кочирмайди. Бу факат Абайнинг тарихий шахс экани билан эмас, балки унинг улкан акл-идрокка эга буюк шоир булгани билан хам изохланади. Абайнинг Пушкин каҳрамони — Татьянанинг мактубини таржима этишга багишиланган лавхада унинг ижод оловида кандай куйиб-ёнгани айникса яккол тасвирилаб берилган. «Татьянанинг нолалари»да Абай уз калбидаги изтиробларга хамоҳанглик топади. Шоир куллари уз-узича, беихтиёр довоткалам сари, Пушкин асаллари сари чузилади. Шу тарика факат Татьянанинг калб туридаги хис-туйгуларни очиб берадиган бетакрор таржима вужудга келибгина колмайди, балки янги наво, янги кушик хам яратилди. Абай бу кушик воситасида узи севган кизга аталган утли мухаббатини ифода этди. «Татьянанинг мактуби»ни Айгерен

куйлайдиган ва Абай бутун вужуди билан сел булиб тинглаб утирадиган лавха тасвирида Мухтор Аvezov шоирнинг калб холатини худди ойнада куриб тургандек акс эттиради: «Абайнинг назарида, у узини, яъни качонлардир маҳбубасидан нигохини узолмай, хатто дамини хам чикаролмай у куйлаган кушик сехрига берилган Абайни кайта топгандек булди... У куйлаётгани йук, у кунглида пинхон хасратларни тукиб solaётган эди. Бу факат Татьянанинг калб сири эмасди...»

Зукколик ва нозиктаъблиқ — Абайнинг асосий хусусиятларидан эди. У ярим аср мобайнида куп кувонч ва хасратларни бошдан кечиради, инсонлар томонидан содир этиладиган абллахлик ва алдовларни курди, якин кишиларидан жудо булди, эл-юртнинг олкиши-оффаринига эришди. Лекин шунча аччик-чучукларни бошдан кечирганига карамай, унинг куп киррали шахсиятида качонлардир Корашух этакларида илк сабокни олган зукко за мумин-кобил усмирнинг сиймоси хамиша намоён булиб турди. Уша ерда унинг отаси Кунонбой сахрода юрган одамнинг аклига хам сигмайдиган ёвузликка кул урган эди: Кунонбой узининг нуфузи, маккорлиги ва эркаланиб, хаддидан ошиб кетгани боис сахро бойларини машъум бир хукмни имзолашга мажбур этган эди. Бу хол Кадарнинг тақдирини фожиали тарзда хал этган эди. Кунонбой унинг ерига куз олайтирган эди. Абайнинг мана шу воеадан кейин кечган бутун хаёти, бутун хатти-харакатлари гуё ана шу фожиа билан чирмашиб кетгандек. Айнан ана шу воеалар Абайни хаётдаги узурнини тугал англаб етишга, отасига бошкacha куз билан караш ва унинг метин кулларидан кутулиб кетишга мажбур этади. Ота-бала уртасидаги карама-каршилик аста-секин жиддийлашиб боради: «Биринчидан, сен нима кадрли, нима арзимас нарса эканининг фаркига бормайсан. Газнангни уйлаб-нетиб утирмай елга совурасан. Сен хаддан зиёд ок-кунгил ва соддасан, худди сохиллари теп-текис кулга ухшайсан. Бундай кулнинг сувини итлар хам булгайди, моллар хам лойкалатиб утади. Иккинчидан, сен дусту душманнинг фаркига бормайсан, душманга душмандек дустга дустдек карайсан. Сенинг кунглингда сир ётмайди, дардингни хаммага дастурхон килаверасан. Халкни эргаштиромкчи булган одам бундай килмаслиги лозим. Акс холда у халкни бошкара олмайди. Учинчидан, сен русларга суйкалишни бошладинг. Сенинг кунглинг шуларга мойил, шунинг учун хам сен мусулмонлар уртасида обру-эътибор тополмайсан». Абайнинг отасига айтган жавоб сузлари роман воеалари ривожидаги муҳим боскич хисобланади. Ушбу сузларда Абайнинг хам, муаллифнинг хам буюклиги ва донишмандлиги яккол намоён булади. Ота узи тилга олган учта масала юзасидан хам углидан муносиб жавоб олади: «Сизнинг айтишингизча, мен сохиллари яйдок, теп-текис кул эканман. Хуш, бунинг нимаси ёмон? Ёки бундан кура, факат аркони, челаги ва бакувват куллари бор одам сув олиб ича оладиган тубсиз кудук булган маъкулми? Мен хаммага — карияларга хам, болаларга хам, бечораларга, хуллас, кимнинг кули калта булса, барчасига фойдаси тегадиган одам булишни афзал биламан. Иккинчидан, халк кимки азоб-укубатига шерик булса, ушанинг гапига кулок тутади. Учинчидан, русларни тилга олдингиз. Халкимга ва менга энг азиз нарса — билим ва зиё... Бу нарсалар эса русларнинг кўлида...»

Роман муаллифнинг буюклиги ва кудрати шундаки, «Абай йули» роман-эпопеяси турли лавхаларнинг ягона ансамбли сифатида намоён булади. Бу лавхалар хаётнинг чукур катламларини очиб беради. Романдаги купдан-куп қаҳрамонлар тизими козок халки хакида, унинг мураккаб тақдири, юксак ахлоқий ва маънавий хусусиятлари хакида яхлит тасаввур уйготади.

Бу йирик асар романчиликнинг бир талай жанрларининг хусусиятлари — руҳийлик,

оилавий-маишийлик, ижтимоийлик ва фалсафийликни камраб олади. Тимсоллар, манзараларнинг микёси ва ниҳоятда купкирралилиги шундан. Одамлар ва воеаларнинг улкан оқими Абай яшаган даврни бутун мураккаблиги ва ранг-баранглиги билан кайта жонлантиради. Бу жихатдан Чингиз Айтматовнинг куйидаги мулохазалари гоятда уринли: «Мухтор Авезовнинг истеъдоди, билим даражаси ва сузни эгаллаш маҳоратига кура хар ишни эплагувчи, яъни универсалдир. Бундай эплилиг гоятда соғ ва теран узига хослик билан муштараклашиб кетади. Унинг буюк «Абай» эпопеяси, киссаю хикоялари, пьесалари — юксак андозадаги меросдир. Бу шундай кечмиш эстетик дунёни, унингсиз кураш ва фожия оркали мудом хурлика, маънавий софликка, ижтимоий адолатга интилган абадий, тубсиз-ниҳоясиз инсон моҳиятини англашнинг имкони йук. Мухтор Авезов буларнинг барчаси хакида катта микёсда, куюк буёкларда, юрак кони ва азоби билан хикоя киласди. Мухтор Авегозов шундай бир гузаллик оламики, бугунги кунда унингсиз утмиш ва бугунни бутун карама-каршилигини, узгаришларнинг тарихийлиги ва ахамиятини тасаввур этиш кийин».

Роман-эпопеяда гоятда муҳим поэтик тимсол борки, Мухтор Авезов бош қаҳрамонини айнан шунга киёслайди. Бу тимсол — тошлок ерда буй чузиб, баланд, катта кари дарахтга айланган, осмонга бокиб, уз бутоклари-нинг тақдири, узининг куп йиллик хаёти мазмунни тугрисида сурайдиган Чинор тимсолидир. Мухтор Авезов Абай хакидаги маколасида буюк оқин козок адабиётининг забардаст кайрогочи, унинг соясида козок ёзувчиларининг купгина авлодлари утириб, нажот топган, дея таъкидлаган эди. Менинг назаримда Мухтор Авезовнинг узи хам ана шу нажот топганларнинг бири — энг истеъдодлиси ва яккол эсда коладигани.

Мухтор Авезов бир сузида япон ҳалкининг «Агар Никкони курмаган булсанг, койилмаком сузини айтмай куякол» деган иборасини эслаган эди. Ёзувчининг узи эса Никкога борган ва бу шахарнинг хусну тароватини куриб, чиндан хам койил колган эди. Лекин мен Японияга бормаганман, бинобарин Никконинг жозибасидан баҳраманд булмаганман, шунга карамай, зур масъулият билан, узимга ишониб айнан уша сузни айтмокчиман — койилмаком сузи буюк козок адиби ижодига гоятда муносиб.

Карши давлат университетининг катта ўқитувчи А.Хамдамов.